



**ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИНИНГ
МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БОШҚАРУВИ
ТАРИХШУНОСЛИГИ**

Раупова Муштарийбегим

АДУ Ўзбекистон тарихи мутахассислиги магистранти
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7894615>

ARTICLE INFO

Received: 27th April 2023

Accepted: 03rd May 2023

Online: 04th May 2023

KEY WORDS

Чоризм босқини, рус маъмурияти, Туркистон генерал-губернаторлиги, генерал-губернатор, тузем, уезд, волост, суд-ҳуқуқ тизими, Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом, мустамлака, ҳарбий-маъмурий бошқарув.

ABSTRACT

Ушбу мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олиниши, Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши ва унинг бошқарув фаолияти тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Россия империяси маъмурий бошқарув аппаратининг ўта марказлашган хусусияти, генерал-губернаторликнинг вилоят, уезд, волост каби маъмурий-бошқарув бўғинлари бўйича умумий маълумотлар жамланган.

Россия империяси томонидан Туркистоннинг босиб олиниши собиқ совет тарихнавислигида бир ёқлама талқин этилиб, гўёки маҳаллий зиёлилар, шоирлар, олимлар рус истилосига хайрихоҳ бўлган сифатида кўрсатилди. Аммо бу талқин нотўғри эди. Сабаби бизнинг зиёлиларимиз, шоирларимиз, олимларимиз халқ бошидан тегирмон тоши юритилганда ҳам меҳнатдан, ижоддан тўхтамаганлар [1].

Чор маъмурлари Туркистон ўлкасида даҳшатли мустамлакачилик сиёсатини олиб борадилар. Туркистон XIX асрнинг охирларида В.И. Ленин ибораси билан айтганда “Халқлар қамоқхонаси”га айланган, Россиянинг “типик мустамлакаси” эди. Рус зодагонларидан А.Б. Вревский “Туркистон халқлари ўзларини бошқарувчи ва суд қилувчи ягона ҳокимиятга ўрганган” деб, ўлкада қаттиққўл мустабид идора зарурлигига ишора қилган эди [2].

Рус ҳукмронлиги ўрнатилгач, Туркистонда миллий давлатлар йўқ қилиниб, ўлканинг сиёсий-маъмурий тизими Россия манфаатларига мослаштирилган ҳолатда шакллантирилди. Юқори ва ўрта бўғин бошқарув лавозимлари рус ҳарбийлари қўлига топширилиб, тубжой халқлар вакиллари фақат ижрочи сифатида қуйи лавозимларга тайинланди. Гарчанд бу масалада сайлов тартиблари жорий этилган бўлсада, лекин Рус давлатига содиқ кишиларгина амал курсисига ўтказилган.

Мавзуга оид илмий адабиётларнинг илмий таҳлили, ҳозирда тарих фани олдида қўйилган концептуал-услубий ёндашувлар асосида ушбу илмий адабиётларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:



Биринчи гуруҳга Россия империяси мустамлакачилиги даврида нашр этилган илмий адабиётларни киритиш мумкин. Мазкур асарлар сирасига Д.И. Романовский, В.В. Григорьева, А.К. Кауфман ва бошқаларнинг асарларини киритиш мумкин [3]. Ушбу асарларда Туркистон ўлкасининг забт этилиши, маъмурий бошқарув тизимининг шакллантирилиши ҳамда Россия империяси ҳукмронлигини сиёсий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш масалалари ёритилган.

Ўлкада империя ҳукумати томонидан суд тизими соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширилишини тадқиқ этишга бағишланган асарлар сирасига Н.И. Крафт, Н. Фиолетова, Қораш Хон ўғли асарларини киритиш мумкин бўлиб, уларда қадимдан ўлкада мавжуд бўлган судлов тизими тарихи ва мустамлака даврида суд тизими соҳасида ўлка вилоятларида амалга оширилган ўзгаришлар, жумладан, дунёвий суд, қози ва бий судларини ташкил этилиши ҳамда фаолиятлари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган [4].

Туркистон ўлкасининг Россия империяси томонидан босиб олиниши тарихини холисона ёзиб қилдирган ва ўзининг олимлик виждонига хилоф иш тутмаган рус тарихчилари қаторига В.В. Бартолд, П. Галузо, А. Попов, В. Лаврентевларни киритиш мумкин. Ушбу олимлар Туркистонда олиб борилган чоризм сиёсати нуқтаи-назаридан ушбу даврга одилона баҳо берганлар [5].

Ўлка судлов тизими тўғрисида умумлаштирувчи маълумотлар берувчи асарлар таркибига кирувчи Н.П. Остроумова, Н.С. Ликошин асарларида ўлкадаги қозилик ва бий судлари тўғрисида қимматли маълумотлар жамланган. Жумладан, муаллифлар, ўлкадаги суд ишларини юритишнинг этнографик хусусиятларини инобатга олгани ҳолда уларни қолоқ ва ўрта асрларга хос эканлигини, шунинг учун ҳам империя ҳукумати томонидан амалга оширилган ислоҳотларнинг маъмурий мақсадларини ҳаспўшлашга уриниб мустамлакачи маъмуриятни суд ишлари борасидаги ўзгаришларни социал ҳолатини яхшилашга хизмат қилмаслигига эътибор бермаганлар.

Туркистон ўлкаси маъмурий бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизими тўғрисидаги маълумотлар ўлкада империя ҳукумати топшириғи билан тафтиш ўтказиб, ўз ҳисоботларини тақдим этган Ф.К. Гирс ва К.К. Паленнинг ҳисоботлари материалларида ҳам ўз аксини топган [6]. Ушбу ҳисоботларнинг энг муҳим жиҳати уларда Россия империяси қонунчилиги нуқтаи назаридан ўлкани маъмурий бошқарувида амалга оширилган ислоҳотлар, бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тавсия шаклида ўз аксини топган бўлиб, ушбу ҳисоботларда жуда катта ҳажмда статистик жадваллар келтирилган.

Чоризмнинг Ўрта Осиёда олиб борган сиёсатининг айрим қирралари Н.С. Киняпина, М.М. Блиев, В.В. Дегоев тадқиқотларида ўз аксини топган [7].

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Туркистон ўлкасида империя ҳукумати томонидан ўлкани маъмурий-худудий бошқарув ва судлов соҳасида амалга оширган ислоҳотлар, чора-тадбирлар натижасида ушбу йўналишлардаги ўзгаришлар хусусида маълумот берувчи кўплаб мақолалар, билдиргилар вақтли матбуот саҳифаларида ҳам эълон қилинди.



Туркистонда Чор Россияси маъмуриятининг ишчанлик кайфияти юқори эканлиги ҳақидаги турли тахминлар айтилиб, порахўрликка, зўравонликка асосланган сиёсати ва “янги колонияни рационал эксплуатация” қилишга ноқобиллиги ҳақидаги фикрлар кўплаб келтирилган. Чоризм Туркистонни “капиталистик усуллар” билан ўзлаштиришга имкон беришни истамасликда очиқдан очиқ айбланган [8].

Туркистондаги рус маъмурларини танқид қилиш кампанияси Туркистонни бошқаришга доир 1871-1873 йиллардаги Низом лойиҳалари ҳукуматга тасдиқлаш учун тақдим этилгандан кейин ҳамда америкалик дипломат Южин Скайлернинг Ўрта Осиёга ташрифи (1873 йил мартдан ноябргача) тўғрисидаги ҳисоботидан сўнг айниқса қизғин тус олди. Ю. Скайлер ўлкадаги рус маъмурияти ичида катта маошга эга бўлиш ва каттагина бойлик ортириш мақсадида бўлган кишилар кўплигини алоҳида қайд этиб ўтади [9]. Перовский, Авлиёота ва Курама уездларида қайд этилган порахўрлик ва ғазна пулини ўғирлаш ҳолатлари ҳамда Верний, Хўжанд, Копал ва Перовскийдаги маъмурларнинг ўзбошимчаликларидан мисоллар келтирган.

Туркистонни табиий бойликлари ва уни бошқаришга қизиқишнинг кучайиш билан расмий йўналишларга бағишлаб бажарилмаган. сохта ишлар ҳам пайдо бўлди. Бу ишларнинг бир қисми Ўрта Осиёни босиб олиш, бир қисми эса маъмурий ва мустамлака тизими мақсадларига, Россиянинг минтақадаги мафкуравий, иқтисодий ва савдо-сотиқ имкониятларига, Россиянинг бу соҳадаги ҳукмронлигини таъминлаш усулларига ва бошқа ҳолатларга шубҳа билдирмайдилар.

Н.И. Крафт, В.Н. Каплун, С.Н. Трегубов, Н. Фиолетов, Н. Вошинин, В. Гессен ва бошқаларнинг асарларида Туркистонни бошқариш бўйича қонунчилик актларни ишлаб чиқиш жараёни, судлов тизими асослари, янги давлат ташкилотлари, молия тизимини жорий қилиш тўғрисидаги аниқ маълумотлар баён этилган, аммо муаллифлар ўлкада анъанавий бўлган, чоризм томонидан сақланиб қолинган ижтимоий-ҳуқуқий соҳаларни ҳар томонлама таҳлил қилишга уринмайдилар. Асосан бу тузилмаларнинг ўлкада вақтинчалик сақланиб қолиниши маҳаллий аҳоли “чоризм афзалликлари”ни қабул қилиш даражасига ҳали ўсиб етмагани билан изоҳланган.

М.А. Терентевнинг мустамлакачилик даврига оид расмий-монархик йўналишда бўлган “Ўрта Осиёни истило қилиш тарихи” номли асарида муаллифнинг Туркистон амалдорлари ва уларнинг ўлкани бошқариш соҳасидаги фаолиятига муносабати ўз аксини топган. Муаллиф судлов идораларининг маҳаллий амалдорлар содир этган мудҳиш жиноятларига доир архив маълумотлардан фойдаланиб, маъмурият раҳбарларининг порахўрлиги ва бошбошдоқлиги, маҳаллий аҳоли ерларининг куч билан тортиб олиниши, ғазна маблағи ҳисобига турли сохта фирма ва компаниялар тузиш ҳақидаги кўплаб фикрларни келтиради. К.П. Кауфман ва унга яқин бўлган раҳбарлар Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Головачев, Тошкент шаҳри бошлиғи Мединский, канцелярия бошлиғи Савенков, уезд бошлиқлари Гуюс, Колзаков ва бошқалар ҳақидаги танқидий материаллар ушбу асарда ўз аксини топган.

А.И. Добромисловнинг “Тошкент ўтмишда ва бугунги кунда” номли тарихий очеркида, 1877 йилги шаҳар ислоҳоти ва уни амалга ошириш жараёни кўздан кечирилади [10]. Ушбу ислоҳот натижасида амалда Туркистон генерал-губарнаторлиги марказида қўшимча мувофиқлаштирувчи орган – Дума ва Управа ташкил этилиб,



улардаги асосий ўринлар маҳаллий аҳолига эмас балки савдогарлар, бойлар ва тадбиркорларга берилган.

Вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолаларда Туркистон ўлкасида империя мустамлакачи ҳукумат томонидан ўлка маъмурий бошқарув ва ҳуқуқ тартибот соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва бажарилиши лозим бўлган амалий ишлар таҳлил қилинган бўлиб, уларда империя маъмурий бошқарув соҳасида давлат органларини чора тадбирлари, ўлкадаги мавжуд шариат ва халқ судлов тизими, уларни шакл ва усуллари, жазо тайинлашнинг юридик асослари, империя ҳукумати амалга оширган ислохотларнинг афзал томонлари тарихий шароит нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Умуман, Россия империяси мустамлакачилиги даврида нашр этилган мавзуга оид илмий адабиётларда Туркистон ўлкасини географик жойлашуви, аҳолининг этник таркиби, асосий машғулоти, Ўрта Осиё хонликларидаги маъмурий бошқарув тизими, бошқарув шакллари, бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари, судлов институтлари, мустамлака даврида Туркистон ўлкаси бошқаруви тўғрисида қабул қилинган Низом ва қонун ости ҳужжатлари, бошқарувда янги шакллантирилган давлат маҳкамаларининг ҳуқуқий асослари, мустамлакачи маъмуриятни ўлкада мавжуд бўлган бошқарув, судлов тизимларига муносабати тўғрисида жуда қимматли маълумотлар илмий истеъмолга олиб кирилган.

Маҳаллий тарихчилардан Муҳаммад Азиз Марғилоний ўз асарида ўша даврдаги ижтимоий сиёсий жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлганларнинг хотиралари ва тассуротлари асосида империя ҳукумати вакиллари Фарғона водийси ҳарбий-маъмурий бошқарувида йўл қўйилган ҳато ва камчиликлари, Россия мулозимларининг маҳаллий халққа муносабати, уларни ва маҳаллий бошқарув мутасаддилари билан ўзаро муносабатлари, бошқарув усуллари тўғрисида жуда қимматли маълумотларни келтирган [11]. Ушбу асарнинг яна бир муҳим жиҳати – унда бой фактик маълумотлар ва тарихий жараёнларни мантиқий тўғри изоҳлаб берилганлигидир.

Мавзуни ўрганишга оид илмий адабиётларнинг иккинчи гуруҳини совет даврида ёзилиб, нашр этилган илмий асарлар, тадқиқотлар ва илмий мақолалар ташкил этиб, уларда устувор мафкура яни коммунистик мафкура талабларидан келиб чиққан ҳолда тарихий жараёнлар тадқиқ этилган.

XX асрнинг 20-30-йиллари бошларида тарихчилар янги-совет тузуми шароитида Туркистон тарихидаги реал фактлар ва мураккаб воқеа-ҳодисаларни илмий тушуниш борасида дастлабки уринишларни амалга оширганлар.

“Халқлар турмаси”ни бузиб, ўрнида “энг инсонпарвар, энг адолатли жамият” қуришга чин дилдан ишонган тарихчилар самодержавия даврида “ёввойиларча эксплуатация”, “қонли жазолар”, талон-тарож ва қирғинларнинг аянчли манзараларини чизадилар. Бундай муаллифларга мисол қилиб Г. Сафаров, Т. Рисқулов, А. Силонов, С. Муравейский, П.Г. Галузо ва бошқаларни 1917 йил февраль инқилоби ва октябрь тўнтариши тарихига, октябрь воқеаларидан кейинги миллий озодлик ҳаракати мавзусига бағишлаб ёзилган ишларини келтириш мумкин.

Қўқонда эълон қилинган Туркистон мухториятининг советларга қарши қўйилиши, Туркистонда мухториятнинг совет модели асосида қурилишига



интилишлари ва унинг оқибатлари Г. Сафаров, П.Г. Галузо ва П. Алексеенконинг асарларида ўз аксини топган [12].

Н.Г. Павловнинг XX аср бошларида чоп этилган “Туркистон тарихи” китобида ҳам Россиянинг шарқдаги сиёсатига муайян мақсадлар асосида бир ёқлама баҳо беришга эътибор қаратган. Шу билан бир қаторда Ўрта Осиёда ўтроқлашиб қолган баъзи муаллифлар маҳаллий халқларнинг маданий ва ижтимоий ҳаётини ўз асарларини бирмунча тушунарли тарзда ифода этганларини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур.

Мавзунини ўрганишга оид илмий адабиётларнинг учинчи гуруҳини Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги даврида ёзилиб илмий истеъмолга олиб кирилган илмий адабиётлар ташкил этади. Дарҳақиқат, мустақиллик даврида республика тарихчи олимлари томонидан чор мустамлакаси даврида Туркистон ўлкаси, жумладан Фарғона водийсини маъмурий бошқарув тизими, ушбу даврда кечган сиёсий, иқтисодий жараёнларни илмий тадқиқ этишга қизиқиш ортиб, бу мавзуда қатор илмий асарлар нашр қилинди, илмий тадқиқотлар олиб борилди ва илмий мақолалар эълон қилинди [13].

XIX асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб чоризмнинг Ўрт Осиёда олиб борган сиёсати Россия жамоатчилигининг фикр-эътиборини ўзига тортди. Мазкур муаммонинг турли жиҳатлари Туркистонда ва Россияда нашр этиладиган газета ва журналларда эълон қилинган ижтимоий-иқтисодий ва таҳлилий материалларда, мақола ва тақризларда фаол муҳокама этила бошланди [14].

Умуман олганда Чор Россиясининг Туркистондаги бошқарув тизими масалаларига бағишланган адабиётлар ушбу даврда Туркистонда жорий қилинган мустамлака давлатчилиги ва унинг ривожланиш тенденциялари муаммосининг айрим жиҳатларини тадқиқ қилинишига, тўпланган билимлар ва эришилган натижаларнинг салмоқли эканига қарамай, бутун Ўрта Осиё мустамлака давлатчилигининг ўзига хос тарихий тажрибаси, бюрократик хусусиятлари, унинг тарихий босқичларда такомиллашиб бориш динамикаси жиддий тарзда қайта фикрлашни ва кенг миқёсда ретроспектив таҳлилдан ўтказишни талаб қилади.

Россия империяси Марказий Осиё ҳудудини босиб олиш жараёнидаёқ бу ерда ўз маъмурий тизимини ўрната бошлайди. Шунингдек, ўлкада Россия империяси томонидан ўз давлатчилик белгилари: байроқ, герб, пулларини жорий эта бошлайди. Хусусан, Тошкент шаҳри учун 1866 йилдаёқ шаҳар герби лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бу лойиҳа маълум бир сабабларга кўра қабул қилинмай қолган бўлса-да, у ўлкада айнан биринчи ўзига хос гералдиканинг шаклланишидаги дастлабки қадам эди.

Маълумки, давлатчиликнинг таркибий қисми бу давлат рамзлари ҳисобланади. Давлат рамзлари қаторига одатда байроқ, герб ва мадҳия киритилади. Ушбу рамзлар ўзида тарихий, маданий, ижтимоий, миллий маълумотлар ва қадриятларни акс эттиради. Шу билан бирга, улар давлатчиликнинг бутун бир ҳаёти, ижтимоий ҳолати рамзлари сифатида гавдаланади. Давлат рамзлари ичида герблар алоҳида хусусият касб этиб, тарихий жиҳатдан қадимгироқ ҳисобланади. Герб муайян мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ижтимоий ва тарихий характердаги ғоялари мажмуасини, ўзига хос табиий географик ва ҳўжалик хусусиятларини, табақавий тафовутларини, шахс, уруғ ва бошқаларнинг шажараларини ифодаловчи алоҳида рамзий белгидир. Ўз навбатида,



герблар давлатлар, уларнинг алоҳида қисмлари (вилоят, округ, штат, уезд ва ҳ.к.), шаҳарлар, сулолалар ва алоҳида шахсларга тегишли бўлиши мумкин. Гербларни ўрганувчи фан бу гералдика деб аталади. Гералдика махсус тарихий фан бўлиб, у маълум бир қоидалар асосида тузиладиган рамзий белгилар – гербларни ва улар ҳақидаги маълумотларни ўрганади [15].

Тарихий тадқиқотларда гералдика методларини қўллаш аввало, манбаларнинг санасини аниқлаш, уларнинг қайси тарихий даврга оид эканини, кўрсатиш учун хизмат қилади. Шунингдек, гералдика воситасида у ёки бу манбанинг қайси соҳага тегишлилигини, қаерда ва ким томонидан яратилганлигини, қолаверса, қандай аҳамиятга эга эканлигини (ҳужжатнинг статусини) аниқлаш мумкин. Герб билан боғлиқ ҳолда тарихий манбаларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва улар орқали маълум бир даврнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маъданий аҳволини очиб бериш, ҳукмдорлар, сулолалар, шахслар, воқеаларни даврлаштириш мумкин. Бу бевосита давлатчилик тарихини мукамалроқ ўрганиш учун хизмат қилади.

Россия империяси Марказий Осиё ҳудудини босиб олиш жараёнидаёқ, бу ерда ўз маъмурий тизимини ўрната бошлайди. Шунингдек, ўлкада Россия империяси томонидан ўз давлатчилик белгилари: байроқ, герб, пуллари жорий қилади [16].

Ўрта Осиё истилосидан сўнг Россия Пётр I васиятини бажариб, жаҳоннинг энг йирик империяларидан бирига айланди. Европанинг илғор жамоатчилиги XIX аср охирида Россияни “беадад миқдордаги мулк ўғриси”, деб таърифлаб, “ҳисоб-китоб вақти келганда, у бу мулкларни ўз эгаларига қайтаришга мажбур бўлади” деб башорат қилган эди. Чор маъмурлари ўлкада дахшатли мустамлакачилик сиёсатини олиб бордилар. XIX асрнинг охирида Россия империяси мустамлака ҳудудининг катталиги бўйича жаҳоннинг қудратли давлатлари Германия, Франция, Англия империялари сингари буюк эди. Хаттоки мустамлака майдонининг катталиги жиҳатдан ушбу давлатларни ҳам орқада қолдирди. Қудратли давлатларнинг мустамлака майдонига нисбат берилганда, Англия мустамлака майдони 13 миллион квадрат километр, Францияники 11 миллион квадрат километрни ташкил қилса, биргина Россиянинг Сибирь мустамлака ҳудуди 13 миллион квадрат километрни ташкил қилган [17]. Россиянинг Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудуди эса кенглиги жиҳатидан Австрия-Венгрия, Франция, Германия ҳудудлари майдонига тенг бўлган. Россия империясининг Туркистонни босиб олишини “Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилганлигини жаҳоншумул тарихий аҳамияти”ни яқин-яқинларгача исботлашга уринган олимларимиз ҳам йўқ эмас эди. Улар ўз ғояларини исботлаш учун рус босқинидан сўнг ўлкада ишлаб чиқарувчи кучлар тез ривожланиб кетди, капиталистик муносабатлар шаклланиб борди, саноат корхоналари вужудга келди, темир йўллар қурилди, фан ва маданият ўсди, маҳаллий халқлар ўз тақдирларини Россия халқлари билан боғладилар, Ўрта Осиё ленинизм ватани бўлиб қолди, деб исботламоқчи бўлдилар. Жумладан Г.А. Хидоятлов “айни вақтда Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинишининг ўлкадаги ижодий ўзгаришларда намоён бўлган прогрессив оқибатларини тан олмасдан бўлмайди”, деган фикрни илгари суради. Мантиқан олиб қараганда Россия ҳукумати Туркистонни босиб олишни режалаштирганда, ўзининг манфаатини эмас, балки Туркистонда яшаб келаётган оддий халқни, мусулмонларни



манфаатини ҳисобга олганмиди? Россия иқтисодий жиҳатдан Туркистондан кудратлироқ бўлганлиги учун ватанимиз тараққиётига ўзининг ижобий ёрдами билан берганмиди? Бу даврда АҚШ, Германия, Япония каби давлатлар ўз тараққиёти жиҳатдан Россияни анча орқада қолдириб кетган эди [18].

Ўзбекистон республикаси мустақиллиги йилларида амалга оширилган диссертацион тадқиқотларда генерал-губернаторларнинг циркуляр фармойишлари ва ҳисоботлари, “Туркистон ўлкаси бошқаруви тўғрисидаги Низом”ни тузиш ва қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш комиссияларини тайинлаш ва тугатиш тўғрисидаги материаллар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, ҳисоботлар ва ёзишмалар; маҳаллий аҳолини Сибирга қувғин қилиш ва Сибирдан қайтариш ҳақида; Сахалин оролидан сургун қилинганлар, Фарғона вилоятига японлар томонидан босиб олингандан сўнг келганлиги ҳақида, ҳарбий губернаторларнинг маҳаллий аҳолидан турли шахсларни талончилик ҳужумлари учун ҳарбий судга олиб келиш тўғрисидаги илтимосномаси вилоятлар бўйича содир бўлган воқеалар қайд этилган [19].

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда ташкил қилинган мустамлакачилик тизимининг моҳияти чоризмнинг босқинчилик сиёсати, мустабидчилик, марказ ва ҳудуд орасидаги муносабатларнинг эгоцентристик иллатлари, шунингдек Россия тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусияти, унинг бошқа тарихий даврларда тўпланган мустамлакачилик анъаналари ва тажрибаси билан белгиланади.

References:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тузувчилар: Содиқов Ҳ., Шамсутдинов Р., Равшанов П., Усмонов Қ. – Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Хошимов С. Ватан тарихи. 1-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2020.
3. Романовский Д.И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. – СПб., 1869; Григорьева В.В. Русская политика в отношении Средней Азии. – СПб., 1874; Кауфман А. К вопросу о русской колонизации Туркестанского края. – СПб., 1903.
4. Крафт Н.И. Судебная система в Туркестанском крае и степных областях. – Оренбург, 1898; Фиолетов Н. Судопроизводство в мусульманских судах Средней Азии. Суды казиев. – Ташкент, 1910; Кораш Хан Оглы (Иомуд-Хан). Местный суд в Закаспийской области (Народный суд). Историко-критический очерк. – Финляндия, 1914.
5. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русиё босқини даврида. – Андижон: Мерос, 1995.
6. Наливкин В.П. Очерки быта женщин туземного оседлого населения Ферганской долины. – Казань, 1886.; Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. – Ташкент, 1912.
7. Киняпина Н.С., Блиев М.М., Дегоев В.В. Кавказ и Средняя Азия во внешней политике России (вторая половина XVIII – 80-е годы XIX вв.). – Москва, 1984.
8. Зиёев Ҳ. Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Тошкент, 2000.
9. Г.Л.Дмитриев. Деша Ю Скайлера и проблемы Среднеазиатской политики царизма 70-х и гг XIX в. Материалы по истории, историографии и археологии. Сб.науч.тр. N 517. Т.,1976.



10. Ахмаджонов Ғ. Россия империяси Марказий Осиёда. – Тошкент: Таълим манбаи, 2003.
11. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихий Азизий. (Фарғона чор мустамлақаси даврида). Ш. Воҳидов, Д. Сангилова таржимаси. – Тошкент: Маънавият, 1999.
12. Алексеенков П. Кокандская автономия. В. кн: Революция в Средней Азии. – Ташкент, 1928.
13. Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари (XIX аср иккинчи ярми - XX аср охири). 1-умуммиллий илмий йиғини тўплами. – Тошкент: Фан, 2022.
14. Исаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917 гг.). – Ташкент: Фан, 1997.; Очерки по истории государственности Узбекистана. Отв. редакторы Д.А. Алимова, Э.В. Ртвеладзе. – Ташкент: Шарқ, 2001; Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX века - первой четверти XX вв. – Ташкент: Университет, 1999.
15. Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф. Туркистонда Чор мустамлақа тузуми. – Тошкент: Академия, 2002; Зияев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент: Шарқ, 1998; Зияев Ҳ. Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси (тарихининг долзарб масалалари). – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт, 2000.
16. Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари (XIX аср иккинчи ярми - XX аср охири). 1-умуммиллий илмий йиғини тўплами. – Тошкент: Фан, 2022.
17. Гусарова Т.П., Дмитриева О.В., Филиппов И.С. и др. Введение в специальные исторические дисциплины. - Москва: Изд-во МГУ, 1990.
18. Ўзбекистон Миллий архиви, И-1-фонд, 2-рўйхат, 31655-йиғмажилд, 13-15-варақлар.
19. Бобоматов Т.М. Репрессивные органы как инструмент колониальной политики царской России в Туркестане (1865-1917 гг.): Автореф. дисс канд. истор. наук. – Ташкент, 2006; Зайнобиддинов Н.С. История развития судебной системы Средней Азии в конце XIX - начале XX вв.): Автореф. дисс канд. истор. наук. – Ташкент: 2006.